

“МИТАН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 7-СОН БАЁННОМАСИ

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани,
Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси, 11-уй.

2026 йил 29 июнь

Навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан шаҳарчаси, А.Темур кўчаси, 11-уйда “Митан пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 10:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 10:50

Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланган вақт: 11:00

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 315 914 та.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2026 йил 23 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг раиси Ғ.Муродуллаев йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Ғ.Муродуллаев - “Митан пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши раиси;

2. У.Мустапов - 2026 йил 26-июндаги № NS 26/06-сонли ишончнома билан “Самарқандпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссия аъзоси;

3. Б.Абсаломов - Жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси Б.Абсаломов малака ва тажрибага эга бўлган Кузатув кенгаши раиси Ғ.Муродуллаев йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг тугатиш комиссияси аъзоси Н.Файзиёва йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Ғ.Муродуллаев ва йиғилиш котиби этиб Н.Файзиёва сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни акциядор Б.Абсаломовга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қогозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2026 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Митан пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 527 та акциядорга тегишли 315 914 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 236 836 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 75,0 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Б.Тожиёв – жамият бош директори;

Х.Мавлонов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Муродуллаев йиғилиш кун тартибни эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ.

1. “Митан пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.

2. “Самарқанд пахта уруғчилиги” МЧЖ даги Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖнинг улушини “Митан пахта тозалаш” АЖга ўриштирилган тартибда ўтказилишини тасдиқлаш.

3. "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖ даги улушларни баҳолаш ҳисоботини кўриб чиқиш.

4. "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖдаги улушларни ўрнатилган тартибда сотилишини тасдиқлаш.

Кул тартиби эълон қилингандан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кул тартибдаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Мурадуллаев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кул тартибда 4 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маълумотга -5(беш) дақиқадан, муҳокама учун - 10 (ўн) дақиқадан вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият қузатув кенгаши томонидан санақ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият тугатиш комиссиясининг қарорига кўра санақ комиссияси таркибига жамиятнинг тугатиш комиссияси аъзоси - Файзиёва Навот, жамият акциядори-Қаландарова Рамила ҳамда акциядор-Боқаев Машрабхонлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санақ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ўқлаганлар" – 236 836 та овоз билан 100,0 %; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кул тартибдаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санақ комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Н.Файзиёва;
- 2) Р.Қаландарова;
- 3) М.Боқаев;

Кул тартибдаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ғ.Мурадуллаев сўзини жамият тугатиш комиссияси раиси Б.Тоҳиевга берди, у ўз навбатида йиғилиш катнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

"Митан пахта тозалаш" АЖ томонидан 2026 йил 2 июндаги 30-сонли талабномамизга асосан "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖнинг жамиятимиз олдидаги қарздорлиги 4 293 189 003 (Тўрт миллиард икки юз тўқсон уч миллион бир юз саксон тўқсон минг уч) сўм мавжудлигини ҳамда "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖнинг 2026 йил 6 июндаги 17/26-сонли хатида "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖ бугунги кунда қарздорлик бўйича туловларни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигини ва қарздорликни бартараф этиш мақсадида "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖ активларини баҳоланган қийматда қарздорлик ҳисобига қабул қилиб олиниши таклиф этилганлигини маълум қилди.

Сўнг сўзга, "Самарқандпахтасаноат" тугатиш комиссияси аъзоси У.Мустапов чиқди ва ҳақиқатдан ҳам "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш бўйича Лоёйиха офисининг пахта тозалаш корхоналарини тугатиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда пахта тозалаш корхоналари, ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликларини қисман қисқартириш мақсадида 2026 йил 27 июнь кунини "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида бўлиб ўтди ва кул тартибдаги масалалардан

бири "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖдаги 64.5 фоиз улуши - 1 807 994 000 (Бир миллиард саккиз юз етти миллион тўққиз юз тўқсон тўрт) сўм баҳоланган қийматда "Митан пахта тозалаш" АЖ олдидаги қарздорликни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали "Митан пахта тозалаш" АЖга ўтказилишини белгиланишини маълум қилди.

"Митан пахта тозалаш" АЖ томонидан 2026 йил 2 июндаги 30-сонли талабномага асосан "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖнинг жамият олдидаги қарздорлиги 4 293 189 003 (Тўрт миллиард икки юз тўқсон уч миллион бир юз саксон тўққиз минг уч) сўм мавжудлигини ҳамда "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖнинг 2026 йил 6 июндаги 17/26-сонли хати акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини инобатга олиб, "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖдаги 64.5 фоиз улуши - 1 807 994 000 (Бир миллиард саккиз юз етти миллион тўққиз юз тўқсон тўрт) сўм баҳоланган қийматда "Митан пахта тозалаш" АЖ олдидаги қарздорликни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали "Митан пахта тозалаш" АЖга ўтказилишини тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 236 632 та овоз билан 99,0 %; "Қаршилар" - 204 та овоз билан 1,0 %;
"Бетарафлар" - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Қун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖдаги 64.5 фоиз улуши - 1 807 994 000 сўм баҳоланган қийматда "Митан пахта тозалаш" АЖ олдидаги қарздорликни (баҳоланган қийматта мутаносиб равишда) ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали "Митан пахта тозалаш" АЖга ўтказилиши тасдиқлансин. (баҳолаш ҳисоботи илова қилинади).

2. "Митан пахта тозалаш" АЖнинг тугатиш комиссияси раиси Б.Тожиёвга:

- "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖдаги 64.5 фоиз улуши - 1 807 994 000 (Бир миллиард саккиз юз етти миллион тўққиз юз тўқсон тўрт) сўм қийматда "Митан пахта тозалаш" АЖга ўтказилиши бўйича топшириш-қабул қилиш далелатномасини расмийлаштириш;

- ўтказилган улушнинг баҳоланган қийматиغا мутаносиб равишда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш вазифаси юклатилсин.

Қун тартибидаги учинчи масала бўйича "Самарқандпахтасаноат" тугатиш комиссияси аъзоси У.Мустапов сўзни жамият тугатиш комиссияси раиси Б.Тожиёвга берилди.

Б.Тожиёв ўз навбатида, "Митан пахта тозалаш" АЖ ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 98-моддасига асосан ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият қаторига кириб акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни ихтиёрий тугатиш бўйича қарор қабул қилганлигини маълум қилди.

Сўнг "Самарқандпахтасаноат" ҚАБ тугатиш комиссияси аъзоси У.Мустапов сўзга чиқиб, "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖ тугатиш комиссияси томонидан "Митан пахта тозалаш" АЖ олдидаги қарздорликни қисман қоплаш мақсадида, "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖ томонидан ўрнатилган тартибда "FAYZ FINANS SERVIS" ХК баҳолаш ташкилоти "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖ устав фондидаги "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган 64.5 фоиз улушни баҳолаш бўйича 2026 йилнинг 25 июн куни 118/06-26 сонли баҳолаш ҳисоботи тақдим қилиниб, унга кўра "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖ устав фонди 2026 йилнинг 1 июн ҳолатига 2 803 090.0 минг сўм шундан "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган 64.5 фоиз улуши 2 803 090 000/100*64.5=1 807 994 000) 1 807 994 000 сўм миқдорида баҳоланганлигини маълум қилди.

Бир тизим ичида улушнинг баҳоланганлигига қисқа вақт яъни 4 кун бўлганлиги, жамият заруратсиз сарф харажатларини олдини олиш ҳамда "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖ устав фонди улуш тўлиқ "Митан пахта тозалаш" АЖга ўтаётганлигини инобатга олиб, "FAYZ FINANS SERVIS" ХК баҳолаш ташкилотининг "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖга тегишли бўлган 64.5 фойз улуши бўйича тақдим қилинган 2026 йил 25 июн куни 118/06-26-сонли баҳолаш ҳисоботи ҳамда "Гулистон баҳолаш консалтинг" МЧЖнинг экспертиза ҳулосасини "Митан пахта тозалаш" АЖ улуши баҳолаш ҳисоботи сифатида тасдиқлаш бўйича йнгиллиш қатнашчиларига таклиф киритилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 236 632 та овоз билан 99,0 %; "Қаршилар"- 204 та овоз билан 0,1 %;
"Бетарафлар"- йўқ

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йнгиллиш қарор қилади:

1. "Самарқандпахтасаноат" тугатиш комиссияси аъзоси У.Мустаповнинг таклифи маъқуллансин.

2. "FAYZ FINANS SERVIS" ХК баҳолаш ташкилоти томонидан баҳоланган баҳолаш ҳисоботи ҳамда "Гулистон баҳолаш консалтинг" МЧЖнинг экспертиза ҳулосалари яъни:

- "FAYZ FINANS SERVIS" ХК баҳолаш ташкилоти томонидан 2026 йил 25 июн куни 118/06-26-сонли "Зирабулоқ пахта тозалаш" АЖнинг "Самарқанд пахта уруғчилиги" МЧЖдаги устав капиталдаги $2\ 803\ 090\ 000/100 \cdot 64.5 = 1\ 807\ 994\ 000$ 64.5 фойз улуши - 1 807 994 000 сўм миқдорда баҳоланган баҳолаш ҳисоботи ҳамда "Гулистон баҳолаш консалтинг" МЧЖнинг экспертиза ҳулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича - "Самарқандпахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси У.Мустапов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4633-сон қарорига асосан "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда ва тизим корхоналари активлари сотилиши ва улар иштирокидаги активлар сотилиши белгиланганлигини айтиб, «MITAN PAXTA TOZALASH» АЖ балансига қарздорлик ҳисобига ўтган "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ устав капиталдаги "Митан пахта тозалаш" АЖнинг улуши 64.5 фойзни улуши 1 807 994 000 (Бир миллиард саккиз юз етти миллион тўққиз юз туқсон тўрт) сўмга баҳоланганлигини инобатга олиб, "MITAN PAXTA TOZALASH" АЖга қаршли "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ устав капиталдаги 64.5 фойзни улуши Ўзбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) жамият ва жамият иштирокчилари сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги инобатга олиниб жамиятнинг бошқа таъсисчиларига имтиёзли равишда сотиб олиш таклифлари берилиши агар "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ бошқа таъсисчилари томонидан таклиф рад этилган ёки белгиланган муддатда розилик билдирилмаган тақдирда ушбу улуш тўлиқ белгиланган тартибда омманий аукцион савдоларга чиқарилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 236 836 та овоз билан 100,0 %; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ;

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йнгиллиш қарор қилади:

1. "MITAN PAXTA TOZALASH" АЖга қаршли "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ устав капиталдаги 64.5 фойзни улуши сотилиши тасдиқлансин.

2. Жамият тугатини комиссияси ринен Б.Тожиенга:


- "MITAN PAXTA TOZALASH" АЖга карашли "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ устав капиталдаги 64.5 фондин улушининг баҳоланган қиймат яъни 1 807 994 000 (Бир миллиард саккиз юз етти миллион тўққиз юз туқсон тўрт) сўмдан кам булмаган миқдорда "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ бошка таъсисчиларига имтиёзли равишда сотиб олиш таклифи берилиши:

- "Самарқанд пахта уруғчилик" МЧЖ бошка таъсисчилари томонидан таклиф рад этилган ёки белгиланган муддатда розилик билдирилмаган тақдирда улуш тўлиқ белгиланган тартибда оммавий аукцион савдоларга чиқарилиши:

- Жамият активларининг имтиёзли равишда ёки оммавий аукцион савдоларида сотиб олган харидорлар билан ўринатилган тартибда олди-сотди шартномаларини тузиш ва лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш:

- "Митан пахта тозалаш" АЖ балансида мавжуд бўлган активларнинг сотилиш юзасидан бажарилган ишлар бўйича акциядорлар умумий йиғилишига белгиланган тартибда ҳисобот киритилиши юклатилени.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ғ.Мурадуллаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:  Ғ.Мурадуллаев

Йиғилиш котиби:  Н.Файзиева

Йиғилиш баённомаси 2026 йил 6 июль куни икки нусхада тузилди.

